

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАБИБУЛЛАЕВ САНЖАРБЕК МУРОДИЛЛА ЎҒЛИ**

**ШАКАР ЎРНИНИ БОСУВЧИЛАРНИНГ УГЛЕВОД  
АЛМАШИНУВИГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИНГ ИНСУЛИНГА  
РЕЗИСТЕНТЛИКНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДАГИ ЭҲТИМОЛИЙ  
АҲАМИЯТИ**

**03.00.01 – Биокимё**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Хабибуллаев Санжарбек Муродилла ўғли**

Шакар ўрнини босувчиларнинг углевод алмашинувига

таъсири ва уларнинг инсулинга резистентликнинг

юзага келишидаги эҳтимолий аҳамияти ..... 3

**Хабибуллаев Санжарбек Муродилла ўғли**

Влияние сахарозаменителей на углеводный

обмен и возможная их роль в развитии

инсулинорезистентности ..... 2

**Khabibullaev Sanjarbek Murodilla ugli**

The influence of sweeteners on carbohydrate

metabolism and their possible role in the development

of insulin resistance..... 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАБИБУЛЛАЕВ САНЖАРБЕК МУРОДИЛЛА ЎҒЛИ**

**ШАКАР ЎРНИНИ БОСУВЧИЛАРНИНГ УГЛЕВОД  
АЛМАШИНУВИГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИНГ ИНСУЛИНГА  
РЕЗИСТЕНТЛИКНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДАГИ ЭҲТИМОЛИЙ  
АҲАМИЯТИ**

**03.00.01 – Биокимё**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2603 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педитария тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Юлдашев Насирджан Мухамеджанович</b><br>биология фанлари доктори, профессор   |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Сабирава Рихси Абдукадировна</b><br>тиббиёт фанлари доктори, профессор<br><b>Ишигов Ибрагим Агаевич</b><br>тиббиёт фанлари доктори, профессор<br><b>(Қозоғистон Республикаси)</b> |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Тошкент давлат стоматология институти</b>   |

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Ж. Аллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси,  
биология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг ривожланган давлатлар аҳолиси учун ортиқча тана вазни ва семизлик энг жиддий муаммолар ҳисобланади. Тана вазн индекси (ТВИ) тана вазнини (кг) унинг бўй узунлигининг квадратига ( $m^2$ ) нисбати орқали аниқланади.  $ТВИ > 25$  бўлса ортиқча тана вазни,  $ТВИ > 30$  бўлса семизлик ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотиغا кўра, «...ўрнатган бу критерия ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ёши катта аҳолиси орасида кундан кунга ортиб бормоқда...»<sup>1</sup>. Ҳаёт тарзи ва овқатланиш тамойилларининг ўзгариши семизлик, инсулинрезистентлик, (ИР) метаболик синдром (МС), 2-тип қандли диабет (ҚД), юрак хуружи ва юрак-қон томир касалликлари ва ўлим ҳавф омилларини оширмоқда. ЖССТ таърифига кўра 2-тип ҚД – инсулиннинг тўқима хужайралари билан ўзаро таъсирининг бузилиши натижасида сурункали гипергликемия билан юзага келадиган метаболик касалликдир. Ушбу касалликлар ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар турли хил бўлиб, булар орасида озиқ-овқат саноатида кенг қўлланиладиган ширин таъм берувчи моддалар (ШТБ) ва шакар ўрнини босувчи маҳсулотларнинг (ШЎБ) ўзига хос роли мавжуд. Бу моддалар дастлаб арзон ва ширинлилик интенсивлиги юқори бўлганлиги учун кенг қўлланила бошлаган. Қандли диабетнинг 1-типида тавсия этилган бу моддалар, кейинчалик соғлом одамлар томонидан тана вазнини сақлаш ёки камайтириш мақсадида кенг қўламда истеъмол қилинмоқда. Бу маҳсулотлар ширин таъм бериш мақсадида кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар ва тайёр овқат маҳсулотлар таркибига қўшилмоқда. Кун давомида турли хил ШЎБ ва ШТБ тутувчи озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, бу моддаларнинг кундалик дозаларини назорат қилиш имкониятини камайтирмоқда. Шу сабабли бу моддаларнинг рухсат этилган дозаларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг таъсирини баҳолаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларнинг организмга таъсирини баҳолаш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада шакар ўрнини босувчиларнинг патогенетик таъсирини тўлиқ ўрганиш, дунё озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиланаётган шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчиларнинг углевод алмашинувидаги таъсири, уларнинг ИР ва 2-тип ҚД, семизлик, МС ривожланишидаги аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамалакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, қандли диабет касаллиги ривожланишини олдини олиш ва унга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш, касалликни даволаш, асоратланишини камайтириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга

<sup>1</sup> <https://www.who.int/data/gho/data/themes/topics/topic-details/GHO/body-mass-index>

мўжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишларига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ШТБ ва ШЎБ моддаларнинг реализацияси ва истеъмолини назорат қилиш шунингдек бу маҳсулотларнинг қандли диабет ва инсулинрезистентлик ривожланишидаги таъсирини чуқур ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий тадқиқотларда ШЎБларнинг организмга таъсири ҳам тажриба ҳайвонларида, ҳам одамларда ўрганилган бўлиб, айниқса тажриба ҳайвонларида ўтказилган 12 ойдан ортиқ тадқиқотларда ШЎБлар истеъмоли овқат истеъмоли ва тана вазнининг ортишига, адипоцитларнинг кўпайиши ва гиперинсулинемияни пайдо бўлишига олиб келиши аниқланган (A.P.Towar, 2016; Q.P.Wang et al., 2018; M.I.Daher et al., 2019). ШЎБ салбий эффе́ктлари уларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидан чиқариб юборилганда камайганлиги, урғочи ҳайвонларга киритилганда семизлик кейинги авлодларга ирсийланиши ҳам кузатилган. АҚШлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда узоқ муддат давомида ШЎБ истеъмоли одамларда тана вазни ортишига сабаб бўлиши аниқланган (A.P.Towar, 2016; C.Schiano et al., 2021). Кўпгина илмий мақолалар ШЎБ моддаларни узоқ вақт истеъмол қилиш тана вазни ортиши, МС, 2-тип ҚД ва юрак-қон томир касалликлари ривожланиш ҳавфини ошириши мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Истеъмол қилиш даврида руҳий зўриқишлар, стресс ёки адреналин кўп ишлаб чиқарилиши юқоридаги ҳавфни янада ошириши мумкин (P.J.Taylor et al., 2019). ШЎБлар сақлайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини сурункали истеъмол қилган эркаклар ва аёлларда вазн ортиши, семириб кетиш, ТВИ ва ёғ массасининг ортиши каби ҳавфлар, сўнгги бир қанча илмий тадқиқотларда аниқланган. Миллий саломатлик ва овқатланиш экспертизаси (NHANES, San-Antonio Heart) тадқиқотлар маркази

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

томонидан қатор кенг қўламли тадқиқотларда ШЎБ моддалар истеъмоли МС ва унинг таркибий қисмларини ривожланишига, қон босими ва қонда глюкоза ортишига олиб келиши аниқланди (J.Nadipelly, 2017; M.Martínez-Venegas et al., 2019; P.J.Taylor et al., 2019; A.A.Alsunni, 2020). Ену ва бошқалар ўз тадқиқотларида ШЎБларни кўп қабул қилиш мактаб ўқувчиларида кардиометаболик ҳавфни оширишини аниқлашган (K.M.Eny et al., 2020).

Ўзбекистонда аҳоли томонидан фойдаланилаётган шакар ўрнини босувчи маҳсулотлар ва ширин таъм берувчи моддаларининг турлари ва ишлаб чиқариш усуллари бўйича (С.К.Жаббарова, 2018; И.Б.Исабаев, 2019; М.Т.Курбанов, Ф.Т.Қосимова, 2021; И.А.Алиева, 2023), шу жумладан ШЎБларнинг организмга токсико-гигиеник таъсири бўйича (Г.И.Шайхова, 2020; А.С.Худайберганов, 2021; О.Л.Элинская, 2022) қатор олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган, бироқ, бу моддаларнинг углевод алмашинуви ва инсулинрезистентлик ривожланишидаги роли тўлиқ ўрганилмаган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тажрибада турли хил ШТБ ва ШЎБ моддаларнинг рухсат этилган кундалик дозаларини сурункали ҳолда киритиб, уларнинг тана вазнини ортишида, углевод алмашинувини бузилишида, инсулинрезистентлик ва қандли диабет ривожланишидаги эҳтимолий аҳамиятини баҳолаш бўйича тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №АДСС-30.3 «Касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги технологиялари ва усуллари ишлаб чиқиш орқали аҳоли соғлиғи муҳофазасини такомиллаштириш» (2020-2023 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилаётган шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларининг углевод алмашинувига таъсирини ҳамда уларнинг инсулинрезистентлик ривожланишидаги эҳтимолий ролини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шакар ўрнини босувчи табиий моддалар – фруктоза ва стевиани тажриба каламушларида углевод алмашинувига таъсирини баҳолаш;

ширин таъм берувчи сунъий моддалар – сахарин ва натрий цикламатини тажриба каламушларида углевод алмашинувига таъсирини баҳолаш;

шакар ўрнини босувчи табиий ва ширин таъм берувчи сунъий моддаларни организмда алмашинув жараёнларига таъсирини баҳолаш;

шакар ўрнини босувчи табиий ва ширин таъм берувчи сунъий моддаларни инсулинрезистентликни пайдо бўлишидаги аҳамиятини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида вазни 140-200 г бўлган 100 оқ эркак каламушлар, шакар ўрнини босувчи – фруктоза ва стевиа, ширин таъм берувчи – натрий цикламат ва сахарин моддалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажриба каламушларига турли хил шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчиларни киритган ҳолда углевод алмашинувини ва инсулинрезистентликни баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларининг углевод алмашинувиға таъсирини баҳолаш учун биокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шакар ўрнини босувчи (фруктоза ва стевиа) ва ширин таъм берувчи (сахарин ва натрий цикламат) моддалар организмға рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда қонда глюкоза, гликирланган гемоглобин миқдорларини прогрессив ортиб бориши исботланган;

фруктоза ва натрий цикламат организмға рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда жигарда гликоген ва глюкоза миқдорларини кескин камайиши, стевиа ва сахарин таъсирида эса гликоген ва глюкоза миқдорларидаги ўзгаришлар унча аҳамиятли эмаслиги аниқланган;

шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддалар организмға рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда оқсил алмашинуви кўрсаткичларида ўзгаришлар – умумий оқсил ва албумин миқдорларини пасайиши, мочевина ва креатинин миқдорларини ортиши, ёғ алмашинувида ўзгаришлар – холестерин ва триглицеридларни ортиши, турли зичликдаги липопротеидлар миқдорида ҳам ўзгаришлар бўлиши аниқланган;

шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддалар организмға рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда ИР индексини 2-3 мартагача ортиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддалар рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда организмда бир қатор метаболик ўзгаришларни, шу жумладан, углевод алмашинувида ҳам анча аҳамиятли ўзгаришларни келтириб чиқариб, ИР индексини 2-3 баравар оширишини кўрсатган;

ушбу натижалар шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддалар қўллашда маълум қонун-қоидаларға мутлақ бўйсунишни, яъни уларни бир мартаба ҳамда кунлик рухсат этилган дозаларини орттириб юбормасликни талаб этиши асосланган;

шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларни бугунги кундаги кенг ва назоратсиз ишлатилиши, уларнинг кунлик дозаларига ҳам аниқлик киритишни зарурлигини тақозо этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллари асосида шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларининг углевод алмашинувиға таъсирини баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий

тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шакар ўрнини босувчилар ва ширин таъм берувчи моддаларни рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали қўлланилиши углевод алмашинувини бузилиши ҳамда инсулинрезистентлик ҳолатига олиб келишини илк бор исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларни озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг рухсат этилган суткалик дозаларда қайта кўриб чиқиш ва уларнинг янги ҳавфсиз дозаларини ишлаб чиқишни талаб қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Шакар ўрнини босувчиларнинг углевод алмашинувига таъсири ва уларнинг инсулинга резистентликнинг юзага келишидаги эҳтимолий аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор шакар ўрнини босувчи (фруктоза ва стевиа) ва ширин таъм берувчи (сахарин ва натрий цикламати) моддалар организмга рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда қонда глюкоза, гликирланган гемоглобин миқдорларини прогрессив ортиб бориши илмий асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 31 мартда 03/13-сон билан тасдиқланган «Шакар ўрнини босувчиларнинг углевод алмашинувига таъсири ва уларнинг инсулинрезистентлик пайдо бўлишидаги ролини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Экспериментал лаборатория ва виварий бўлими бўйича 04.07.2023 йилдаги 296<sup>И</sup>-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 15.08.2023 йилдаги 42-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/08-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи маҳсулотларнинг рухсат этилган дозаларининг истеъмоли ҳам гипергликемия ва гликирланган гемоглобин миқдорлари ортишига сабаб бўлишини ҳисобга олган ҳолда улар истеъмолини назорат қилиш, чеклаш, бошқа ҳавфсиз турларига алмаштириш ёки ҳавфсиз дозаларини ишлаб чиқиш уларнинг организмга зарарли таъсирини камайтиради ва гипергликемия ривожланишини олдини олиш йўллари яратишга назарий асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи маҳсулотларларнинг ҳавфсиз дозалари яратиш орқали гипергликемия ҳолатини ташхислаш учун бир нафар истеъмолчи ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни 159200 сўмга иқтисод қилиш имконини беради;

*иккинчи илмий янгилик:* фруктоза ва натрий цикламати организмга рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда жигарда гликоген ва глюкоза миқдорларини кескин камайиши, стевиа ва сахарин таъсирида эса

гликоген ва глюкоза миқдорларидаги ўзгаришлар унча аҳамиятли эмаслиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 31 мартда 03/13-сон билан тасдиқланган «Шакар ўрнини босувчиларнинг углевод алмашинувига таъсири ва уларнинг инсулинрезистентлик пайдо бўлишидаги ролини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Экспериментал лаборатория ва виварий бўлими бўйича 04.07.2023 йилдаги 296<sup>И</sup>-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 15.08.2023 йилдаги 42-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/08-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фруктоза ва ва натрий цикламати организмга рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда жигарда гликоген ва глюкоза миқдорларини кескин камайгандиги сабабли улар учун бошқа хавфсиз дозалар ишлаб чиқиш ёки бошқа зарарсиз маҳсулотлар билан алмаштириш организмда агликогенез касалликларини олдини олади. *Иқтисодий самарадорлиги:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларнинг организмга рухсат этилган суткалик дозаларини қайта кўриб чиқиш, улар миқдорини камайтириш ва реализациясини назоратини кучайтириш уларнинг жигарда углевод алмашинуви бузилишини баҳолаш учун бир нафар истеъмолчи ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни 305500 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддалар организмга рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда оқсил алмашинуви кўрсаткичларида ўзгаришлар - умумий оқсил ва альбумин миқдорларини пасайиши, мочевина ва креатинин миқдорларини ортиши, ёғ алмашинувида ўзгаришлар - холестерин ва триглицеридларни ортиши, турли зичликдаги липопротеидлар миқдорида ҳам ўзгаришлар бўлиши аниқланлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 31 мартда 03/13-сон билан тасдиқланган «Шакар ўрнини босувчиларнинг углевод алмашинувига таъсири ва уларнинг инсулинрезистентлик пайдо бўлишидаги ролини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Экспериментал лаборатория ва виварий бўлими бўйича 04.07.2023 йилдаги 296<sup>И</sup>-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 15.08.2023 йилдаги 42-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/08-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларнинг организмга рухсат этилган суткалик дозаларини қайта кўриб чиқиш, улар миқдорини камайтириш ва реализациясини назоратини кучайтириш уларнинг ёғ алмашинуви бузилишига, атеросклероз ва дислипидемиялар ривожланишга таъсирини камайтиради.

*Иқтисодий самарадорлиги:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларнинг организмга рухсат этилган суткалик дозаларини қайта кўриб чиқиш, улар миқдорини камайтириш ва реализацияси назоратини кучайтириш уларнинг ёғ алмашинувига салбий таъсирини, атеросклероз ва дислипидемиялар ривожланишдаги эҳтимолий аҳамиятини баҳолаш учун бир нафар истеъмолчи ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни 108900 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддалар организмга рухсат этилган суткалик дозаларда сурункали киритилганда ИР индексини 2-3 мартагача ортиши аниқланлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 31 мартда 03/13-сон билан тасдиқланган «Шакар ўрнини босувчиларнинг углевод алмашинувига таъсири ва уларнинг инсулинрезистентлик пайдо бўлишидаги ролини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Экспериментал лаборатория ва виварий бўлими бўйича 04.07.2023 йилдаги 296<sup>И</sup>-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 15.08.2023 йилдаги 42-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/08-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддаларнинг организмга рухсат этилган суткалик дозалари ва реализацияси назоратини кучайтириш, дозалар миқдорини қайта кўриб чиқиш, улар миқдорини камайтириш ёки зазарсиз турларига алмаштириш инсулинрезистентлик ва 2-тип қандли диабет ривожланиш ҳавфини 2-3 марта камайтиради ва инсулинрезистентлик ривожланишини олдини олиш йўллари яратишга назарий асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* шакар ўрнини босувчи ва ширин таъм берувчи моддалар истеъмолини назорат қилиш натижасида инсулин резистентликни ташҳислаш сарф харажатларини ҳар бир истеъмолчи ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни 1456000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифига бағишланган, унинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шакар ўрнини босувчиларнинг турлари, моддалар алмашинувига таъсири**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг асослашда хорижий ва маҳаллий илмий манбаларнинг таҳлили келтирилган. Ушбу боб шакар ўрнини босувчиларнинг турлари тавсифига, уларнинг таъм рецепторлари ҳамда семизлик ва турли касалликлар ривожланишидаги ролига бағишланган.

Диссертациянинг «**Тажрибавий тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув гуруҳлари ҳақида умумий маълумотлар ва тадқиқот усуллари баён этилган. Ҳайвонлар ЎзР ССВ хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг виварийсида, хона ҳарорати  $22\pm 3^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлик 30-70 %, 12 соат ёруғ ва 12 соат қоронғи ҳолатда сақланди. Каламушларни сақлаш ва озиклантириш ГОСТ 33215-2014 талаблари асосида бажарилди. Барча қон таҳлиллар ва жигар тўқимасида гликоген миқдорини аниқлаш Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий-тадқиқот лабораториясида ўтказилди. Тадқиқот протоколи ЎзР ССВ қошидаги Этика кўмитаси томонидан маъқулланган (№4/19-1667. 20.05.2022). Ҳайвонлар тасодифий равишда 25 тадан 4 гуруҳга ажратилди. 1- ва 2-гуруҳларга табиий ШЎБ моддалар – фруктоза 600 мг/кг, стевиа эса 18 мг/кг дозада, сувда эритилган ҳолда 2 ой давомида кунига 1 маҳал оғиз орқали киритилди. 3- ва 4-гуруҳларга сунъий ширин таъм берувчи (ШТБ) моддалар – сахарин 5 мг/кг ва натрий цикламати 10 мг/кг дозада юқоридаги схемада киритилди (M. Spencer et al., 2016; O.N. Azeez et al., 2019; M.D. Pang et al., 2021). Тажриба бошланишидан аввал ҳайвонларидан глюкоза, инсулин, гликирланган гемоглобин, глюкоза толерантлик тести (ГТТ) ва биокимёвий текширувлар учун енгил эфир наркози остида қон олинди ва бу натижаларга контроль сифатида қаралди. 30 ва 60 кундан сўнг ҳайвонлардан яна қон олиниб, текширувлар ўтказилди ва натижалар орасидаги фарқлар аниқланди. Ҳар бир гуруҳдан тажриба бошлашдан аввал 5 тадан каламуш олиниб, диэтил эфири ёрдамида ухлатилиб, декапитация қилинди ҳамда жигардаги глюкоза ва гликоген миқдори аниқланди. Тажриба тугагандан сўнг барча гуруҳлардан 5 тадан каламуш декапитация қилиниб, жигарда глюкоза ва гликоген миқдори текширилди ва натижалар орасидаги фарқлар аниқланди.

ШЎБ ва ШТБ маҳсулотлар «НоваПродукт АГ» МЧЖ (Москва) Россия корхонасида ишлаб чиқарилган ва улар Тошкент шаҳрида жойлашган Angeley food МЧЖ га қарашли “Корзинка” савдо дўконларидан сотиб олинди.

Таҳлилларни ўтказиш учун қон дум венадан олинди. Бунинг учун каламушлар думи бир неча минут иссиқ сувга (40-50 °С) солинди. Дум венасига 24 G игна киритилиб, қон гелли сариқ пробиркага йиғилди ва TDZ4-WS центрифугасида (ХХР) 3000 айл/мин тезликда 5 минут давомида шаклли элементлардан ажратилди. Гемолизга учраган қон синамалари тажрибага олинмади. Қон плазмасининг биокимёвий кўрсаткичлари HumanStar 100 (ГФР) автоматик биокимёвий анализатори ёрдамида аниқланди. Инсулин миқдори Mindray MR 96A (ХХР) яримавтомат иммунофермент анализаторида Rat Insulin, ELISA Kit (АҚШ) реагенти ёрдамида аниқланди. ГТТни ўтказиш учун туни билан оч қолган ҳайвонлардан эрталаб қон олинган, атравматик зонд орқали ошқозонга глюкоза эритмаси 2 г/кг дозада киритилди. Кейин ҳайвонлардан 30, 60, 90 ва 120 минутдан сўнг яна қон олинди. Олинган қонларда глюкоза миқдори аниқланди ва натижалар асосида “глюкоза концентрацияси–вақт” эгри чизиғи чизилди ҳамда бу эгри чизиқ остидаги юза ҳисоблаб чиқилди (Area under curve AUC – mmol h/l). Жигар тўқимасида гликоген миқдорини антрон реактиви ёрдамида аниқланди (С.Е. Северин, 1989). Тадқиқотда инсулинрезистентликни баҳолашда унинг инсулинли индексларидан – НОМА-IR, FIRI, Caro ва QUICKI, ноинсулинли индекслардан – ТГ/ЗЮЛП индекси (триглицерид/зичлиги юқори липопротеидлар), Триглицерид-глюкоза индекси (ТГИ), Метаболик индекслардан (МИ) фойдаланилди.  $\beta$ -ҳужайраларнинг функционал фаоллиги куйидагича ҳисобланди:  $\beta$ -ҳужайраларнинг функционал фаоллиги = 20 x ИРИ (мкЕд/мл) / ГПН (ммоль/л) – 3,5). Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш JMP statistical software дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди, фарқлар аҳамияти эса One way Anova ва Nonparametric Comparisons For Each Pair Using Wilcoxon Method орқали аниқланди.

Диссертациянинг «**Табиий шакар ўрнини босувчи моддаларнинг углевод алмашинуви таъсирини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида табиий ШЎБ моддалар – фруктоза ва стевиани углевод алмашинуви кўрсаткичларига таъсири натижалари келтирилган. Натижалар фруктозани узоқ ва доимий киритишда қонда глюкоза миқдорини прогрессив ўсишини кўрсатди: у тажрибанинг 30-куни бошланғич кўрсаткичдан 59,9 % га, 60-куни эса 74,9 % га юқори бўлди (1-жадвал). Бунда инсулин миқдори ҳам бошланғич кўрсаткичдан 30- ва 60-кунлари мос равишда 69,0 ва 59,0 % га юқори бўлди. Гликирланган гемоглобин миқдори ҳам бошланғич кўрсаткичга нисбатан 30-куни – 66,5 % га ва 60-куни – 70,5 % га юқори бўлди.

Стевиа ҳам узоқ ва доимий киритилганда қонда углевод алмашинуви кўрсаткичларидаги ўзгаришлар фруктозадаги каби бўлди: тажрибанинг 30-куни глюкоза миқдори бошланғич кўрсаткичдан 39,6 % га, 60-куни эса 66,2 % га юқори бўлди. Инсулин миқдори эса бошланғич кўрсаткичдан 30- ва 60-кунлари мос равишда 49,3 ва 16,3 % га юқори бўлди. Гликирланган

гемоглобин миқдори ҳам бошланғич кўрсаткичга нисбатан 30-куни – 46,8 % га ва 60-куни – 64,7 % га юқори бўлди.

Натижалар фруктоза ва стевиани узоқ вақт давомида доимий киритиш гипергликемия ва гиперинсулинемияга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди.

### 1-жадвал

#### Табиий ШЎБ моддаларнинг қонда углевод алмашинуви кўрсаткичларига таъсири ( $M \pm m$ )

| Кунлар                                    | ШЎБ      | Глюкоза, ммоль/л | НвА1С, %     | Инсулин, мU/л |
|---|----------|------------------|--------------|---------------|
| <b>Бошланғич</b><br>( <i>n</i> = 20)      | Фруктоза | 4,26 ± 0,11      | 3,22 ± 0,10  | 10,50 ± 0,20  |
|   | Стевиа   | 4,57 ± 0,11      | 3,64 ± 0,09  | 12,41 ± 0,42  |
| <b>Тажриба 30-кун</b><br>( <i>n</i> = 20) | Фруктоза | 6,81 ± 0,16*     | 5,36 ± 0,13* | 17,74 ± 0,33* |
|   | Стевиа   | 6,38 ± 0,15*     | 5,34 ± 0,11* | 18,53 ± 0,42* |
| <b>Тажриба 60-кун</b><br>( <i>n</i> = 18) | Фруктоза | 7,45 ± 0,16*     | 5,49 ± 0,08* | 16,69 ± 1,00* |
|   | Стевиа   | 7,59 ± 0,19*     | 5,99 ± 0,09* | 14,44 ± 0,44* |

Изоҳ: \* -  $P < 0,05$  бошланғичга нисбатан;

ШЎБларни организмда моддалар алмашинувида таъсирини натижалари 2-жадвалда келтирилган. Умумий оксил миқдори фруктоза киритилганида тажрибанинг сўнгида бошланғич кўрсаткичга нисбатан 15,3, стевиа киритилганида эса 7,2 % камайди (2-жадвал).

Альбумин миқдорини пасайиши фақат стевиа киритилганида кузатилди. Мочевина миқдори фруктоза 1 ой киритилганида бошланғич кўрсаткичдан 19,6 % камайган бўлса, тажриба сўнгида 28,3 % га ортди. Стевиа киритилганида эса мочевина миқдори кўрсаткичдан мос равишда 1- ва 2-ойда 49,9 ва 29,3 % га юқори бўлди. Фруктоза киритилганида қонда креатинин миқдори тажрибанинг 30- ва 60-кунлари мос равишда 107,7 ва 111,0 % га ортиқ бўлди. Стевиа киритилганида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 95,0 ва 81,4 % га ортиқ бўлди.

Фруктозанинг жигар ферментларига таъсири ўрганилганда фақат АЛТ фаоллигини 30- ва 60-кунларида бошланғичга нисбатан 55,7 ва 69,2 % га юқорилиги аниқланди. Стевиа киритилганида АЛТ фаоллиги 30- ва 60-кунлари 47,8 ва 35,5 % га юқори бўлди. Бунда тажрибанинг 30-куни АСТ фаоллиги бошланғич кўрсаткичдан 23,3 % га ортиқ бўлиб, тажриба охирида у бошланғич кўрсаткич даражасига тушди.

**Табиий шакар ўрнини босувчиларни қондаги биокимёвий  
кўрсаткичларига таъсири (M±m)**

| Кўрсаткич  | ШЎБ      | Бошланғич     | 30-кун        | 60-кун        |
|--|----------|---------------|---------------|---------------|
| <i><b>Оқсил ва азот сақловчи моддалар алмашинуви кўрсаткичлари</b></i> |          |               |               |               |
| Умумий оқсил, г/л  | Фруктоза | 63,80 ± 0,70  | 65,90 ± 0,76  | 54,33 ± 1,02* |
|  | Стевиа   | 70,53 ± 0,95  | 71,80 ± 1,02  | 65,44 ± 1,19* |
| Альбумин, г/л  | Фруктоза | 39,24 ± 0,67  | 39,60 ± 0,67  | 40,83 ± 0,90  |
|  | Стевиа   | 40,98 ± 0,71  | 37,88 ± 1,03* | 33,56 ± 0,91* |
| Мочевина, ммоль/л  | Фруктоза | 4,75 ± 0,13   | 3,82 ± 0,22*  | 6,07 ± 0,2*   |
|  | Стевиа   | 5,12 ± 0,12   | 7,68 ± 0,22*  | 6,62 ± 0,24*  |
| Креатинин,<br>мкмоль/л   | Фруктоза | 36,50 ± 1,07  | 75,80 ± 0,72* | 77,00 ± 1,54* |
|  | Стевиа   | 43,81 ± 0,95  | 85,46 ± 2,60* | 79,47 ± 1,60* |
| <i><b>Ферментлар</b></i>   |          |               |               |               |
| АЛТ, бирл./л   | Фруктоза | 56,65 ± 1,15  | 88,22 ± 3,67* | 95,83 ± 1,91* |
|  | Стевиа   | 88,05 ± 2,18  | 130,13±2,43*  | 119,34±5,56*  |
| АСТ, бирл./л   | Фруктоза | 112,90 ± 2,16 | 109,70 ± 2,58 | 102,39 ± 1,74 |
|  | Стевиа   | 127,52 ± 2,94 | 156,8 ± 3,67* | 131,79 ± 5,59 |
| <i><b>Ёғ алмашинуви кўрсаткичлари</b></i>                              |          |               |               |               |
| Холестерин, ммоль/л  | Фруктоза | 1,00 ± 0,02   | 1,15 ± 0,06*  | 1,37 ± 0,06*  |
|  | Стевиа   | 1,48 ± 0,07   | 1,75 ± 0,05*  | 1,59 ± 0,07   |
| Триглицерид,<br>ммоль/л  | Фруктоза | 0,71 ± 0,03   | 0,65 ± 0,04   | 1,04 ± 0,12*  |
|  | Стевиа   | 0,67 ± 0,02   | 0,77 ± 0,03*  | 0,63 ± 0,02   |
| ЗЖПЛП, ммоль/л   | Фруктоза | 0,19 ± 0,01   | 0,18 ± 0,01   | 0,27 ± 0,01*  |
|  | Стевиа   | 0,13 ± 0,01   | 0,15 ± 0,01   | 0,13 ± 0,01   |
| ЗПЛП, ммоль/л  | Фруктоза | 0,14 ± 0,01   | 0,13 ± 0,01   | 0,21 ± 0,01*  |
|  | Стевиа   | 0,90 ± 0,03   | 0,87 ± 0,03   | 0,85 ± 0,04   |
| ЗЮЛП, ммоль/л  | Фруктоза | 0,51 ± 0,03   | 0,44 ± 0,03   | 0,42 ± 0,02*  |
|  | Стевиа   | 0,70 ± 0,02   | 0,66 ± 0,02   | 0,65 ± 0,02   |
| АК   | Фруктоза | 1,21 ± 0,23   | 1,72 ± 0,12*  | 2,35 ± 0,16*  |
|  | Стевиа   | 1,12 ± 0,07   | 1,09 ± 0,05   | 1,45 ± 0,07*  |
| <i><b>Минерал моддалар алмашинуви кўрсаткичлари</b></i>                |          |               |               |               |
| Na <sup>+</sup> , ммоль/л  | Фруктоза | 143,29 ± 0,64 | 146,77 ± 0,92 | 135,26 ± 1,46 |
|  | Стевиа   | 141,57 ± 1,43 | 135,11 ± 1,48 | 139,94 ± 1,18 |
| K <sup>+</sup> , ммоль/л   | Фруктоза | 5,90 ± 0,20   | 3,22 ± 0,19*  | 3,77 ± 0,08*  |
|  | Стевиа   | 5,38 ± 0,11   | 5,05 ± 0,10   | 4,04 ± 0,13*  |
| Ca <sup>2+</sup> , ммоль/л   | Фруктоза | 2,10 ± 0,01   | 1,01 ± 0,02*  | 0,89 ± 0,02*  |
|  | Стевиа   | 2,17 ± 0,03   | 2,08 ± 0,02   | 1,98 ± 0,03*  |


Изоҳ: \* - P < 0,05 бошланғичга нисбатан;

Фруктозанинг ёғлар алмашинувида таъсири ўрганилганда умумий холестерин, триглицеридлар, ЗЖПЛП ва ЗПЛП лар миқдори тажриба сўнггида сезиларли ортгани аниқланди. ЗЮЛП миқдори эса бошланғич кўрсаткичга нисбатан 17,7 % га пасайди. Бу ўзгаришлар АКни 94,2 % га ортишига олиб келди. Ҳайвонларга стевиа киритилганида эса ёғлар алмашинувидаги

ўзгаришлар анча камроқ бўлиб, АК 60-куни бошланғич кўрсаткичдан 29,5 % га юқори бўлди. Бу натижалар фруктозанинг узок муддат сурункали истеъмоли ёғлар алмашинувига салбий таъсир кўрсатиб, гиперхолестеринемия, гипертриглицеридемия ва АКнинг ортишига сабаб бўлиши мумкинлигини исботлайди.

Фруктозанинг микроэлементлар алмашинувига таъсири ўрганилганда, натрий миқдори тажриба давомида сезиларли даражада ўзгармади. Калий миқдори эса тажрибанинг 30- ва 60-кунларида мос равишда 45,4 ва 36,1 % га камайди. Кальций миқдори ҳам бошланғич кўрсаткичга нисбатан тажриба ярмида 51,9 %га, тажриба сўнгида эса 57,6 % камайди. Каламушларга стевиа киритилганида ҳам натрий миқдорида ўзгариш бўлмади. Калий миқдори 60-куни 24,9 % га, кальций миқдори эса 8,8 % га камайди.

Фруктоза киритишнинг 60-кунида жигар тўқимасида глюкоза ва гликоген миқдорини бошланғичга нисбатан деярли 2 баробар камайганлиги аниқланди (1-расм). Стевиа киритилганида эса жигарда глюкоза ва гликоген миқдори бошланғич кўрсаткичдан деярли ўзгармади. Демак, натижалар фруктоза таъсирида жигарда углевод алмашинуви бузилиб, гликоген ҳосил бўлиши камайиши мумкинлигини кўрсатмоқда.



1-расм. Фруктоза ва стевиа таъсирида жигар тўқимасида глюкоза ва гликоген миқдорининг ўзгариши

Диссертациянинг «Сунъий ширин таъм берувчиларнинг углевод алмашинувига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида сунъий ШТБ моддалар – натрий цикламат ва сахаринни углевод алмашинуви кўрсаткичларига таъсири натижалари келтирилган. Натижалар натрий цикламатини узок ва доимий киритишда ҳам қонда глюкоза миқдорини прогрессив ўсишини кўрсатди: у тажрибанинг 30-куни бошланғич кўрсаткичдан 62,3, 60-куни эса 69,6 % га юқори бўлди (3-жадвал). Бунда инсулин миқдори бошланғич кўрсаткичдан 30- ва 60-кунлари мос равишда 96,5 ва 67,2 % га юқори бўлди. Гликирланган гемоглобин миқдори бошланғич кўрсаткичга нисбатан 30-куни – 70,3 % га ва 60-куни – 76,0 % га юқори бўлди.

**Сунъий ширин таъм берувчи моддаларнинг қонда углевод алмашинуви  
кўрсаткичларига таъсири (M±m)**

| Кунлар                                      | ШЎБ      | Глюкоза,<br>ммоль/л | НьА1С<br>%   | Инсулин,<br>mU/L |
|---|----------|---------------------|--------------|------------------|
| <b>Бошланғич</b><br>(n = 20)                | ЦиклаMAT | 4,40 ± 0,09         | 3,37 ± 0,08  | 9,50 ± 0,21      |
|   | Сахарин  | 4,40 ± 0,09         | 3,4 ± 0,11   | 12,5 ± 0,65      |
| <b>Тажриба</b><br><b>30-кун</b><br>(n = 20) | ЦиклаMAT | 7,14 ± 0,19*        | 5,74 ± 0,10* | 18,67 ± 0,10*    |
|   | Сахарин  | 6,75 ± 0,16*        | 5,6 ± 0,08*  | 17,6 ± 0,73*     |
| <b>Тажриба</b><br><b>60-кун</b><br>(n = 18) | ЦиклаMAT | 7,46 ± 0,13*        | 5,93 ± 0,07* | 15,88 ± 1,06*    |
|   | Сахарин  | 7,94 ± 0,12*        | 6,2 ± 0,02*  | 15,4 ± 0,58*     |

*Изоҳ: \* - P < 0,05 бошланғичга нисбатан;*

Сахарин ҳам узоқ ва доимий киритилганда қонда углевод алмашинуви кўрсаткичларидаги ўзгаришлар циклаMATдаги каби бўлди: тажрибанинг 30-куни глюкоза миқдори бошланғич кўрсаткичдан 53,4 % га, 60-куни эса 80,5 % га юқори бўлди. Инсулин миқдори бошланғич кўрсаткичдан 30- ва 60-кунлари мос равишда 40,8 ва 23,2 % га юқори бўлди. Гликирланган гемоглобин миқдори бошланғич кўрсаткичга нисбатан 30-куни – 64,7 % га ва 60-куни – 82,4 % га юқори бўлди.

Натижалар циклаMAT ва сахарин узоқ вақт давомида доимий киритиш гипергликемия ва гиперинсулинемияга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди.

ШТБларни организмда моддалар алмашинуви таъсирини натижалари 4-жадвалда келтирилган. Умумий оқсил миқдори циклаMAT киритилганида тажрибанинг 30-кунида бошланғич кўрсаткичга нисбатан 14,5, 60-куни эса 5,1 %га ортди (4-жадвал). Ушбу ортиш альбумин миқдорини ортиши фониди кечди: альбумин миқдори 30- ва 60-кунлари бошланғич кўрсаткичдан мос равишда 18,7 ва 16,8 % га юқори бўлди. Бунда мочевина миқдори бошланғич кўрсаткичдан 30- ва 60-кунлари мос равишда 21,4 ва 44,1 % га юқори бўлди. Креатинин миқдори ҳам тажрибанинг 30- ва 60-кунлари мос равишда 87,1 ва 114,2 % га ортиқ бўлди.

Сахарин киритилганида эса оқсил миқдорида пасайиш кузатилди: 30-куни у бошланғич кўрсаткичдан 8,4 %га, 60-куни эса 19,3 % га паст бўлди. Бу пасайиш альбумин миқдорини пасайиши билан бирга кечди: у 30-куни бошланғич кўрсаткичдан 29,0 %га, 60-куни эса 33,2 % га паст бўлди. Сахарин киритилганда мочевина миқдори бошланғич кўрсаткичдан 30- ва 60-кунлари мос равишда 54,0 ва 31,9 % га юқори бўлди. Креатинин миқдори ҳам тажрибанинг 30- ва 60-кунлари мос равишда 78,0 ва 84,7 % га ортиқ бўлди.

**Сунъий ширин таъм берувчиларни қондаги биокимёвий  
кўрсаткичларга таъсири (M±m)**

| Кўрсаткич   | ШТБ      | Бошланғич     | 30-кун         | 60-кун         |
|---|----------|---------------|----------------|----------------|
| <i>Оқсил ва азот сақловчи бирикмалар алмашинуви кўрсаткичлари</i> |          |               |                |                |
| Умумий оқсил, г/л   | ЦиклаMAT | 66,20 ± 0,89  | 75,8 ± 0,57*   | 69,6 ± 0,71*   |
|   | Сахарин  | 72,24 ± 1,28  | 66,21 ± 1,05*  | 58,31 ± 0,92*  |
| Альбумин, г/л   | ЦиклаMAT | 37,32 ± 0,68  | 44,3 ± 0,90*   | 43,6 ± 0,78*   |
|   | Сахарин  | 42,57 ± 1,12  | 30,21 ± 0,75*  | 28,43 ± 1,24*  |
| Мочевина, ммоль/л   | ЦиклаMAT | 4,99 ± 0,13   | 6,06 ± 0,21*   | 7,19 ± 0,18*   |
|   | Сахарин  | 5,45 ± 0,13   | 8,39 ± 0,20*   | 7,19 ± 0,18*   |
| Креатинин,<br>мкмоль/л  | ЦиклаMAT | 36,66 ± 0,82  | 68,58 ± 1,10*  | 78,54 ± 2,18*  |
|   | Сахарин  | 47,25 ± 1,16  | 84,11 ± 1,79*  | 87,25 ± 2,10*  |
| <i>Ферментлар</i>   |          |               |                |                |
| АЛТ, бирл./л  | ЦиклаMAT | 55,45 ± 2,06  | 85,56 ± 1,47*  | 96,74 ± 2,36*  |
|   | Сахарин  | 71,40 ± 2,27  | 124,1 ± 4,27*  | 120,72 ± 4,03* |
| АСТ, бирл./л  | ЦиклаMAT | 113,4 ± 1,9   | 122,5 ± 1,7*   | 121,0 ± 6,4    |
|   | Сахарин  | 119,58 ± 6,08 | 160,15 ± 6,18* | 170,14 ± 5,97* |
| <i>Ёғ алмашинуви кўрсаткичлари</i>                                |          |               |                |                |
| Холестерин,<br>ммоль/л  | ЦиклаMAT | 1,04 ± 0,02   | 1,51 ± 0,09*   | 1,33 ± 0,07*   |
|   | Сахарин  | 1,65 ± 0,09   | 1,33 ± 0,07*   | 1,40 ± 0,07*   |
| Триглицерид,<br>ммоль/л   | ЦиклаMAT | 0,67 ± 0,03   | 0,76 ± 0,04    | 0,93 ± 0,06*   |
|   | Сахарин  | 0,93 ± 0,07   | 0,78 ± 0,05*   | 0,86 ± 0,05    |
| ЗЖПЛП, ммоль/л  | ЦиклаMAT | 0,13 ± 0,01   | 0,15 ± 0,01    | 0,19 ± 0,01*   |
|   | Сахарин  | 0,19 ± 0,01   | 0,16 ± 0,01*   | 0,17 ± 0,01    |
| ЗПЛП, ммоль/л   | ЦиклаMAT | 0,22 ± 0,05   | 0,24 ± 0,01    | 0,34 ± 0,03*   |
|   | Сахарин  | 0,64 ± 0,04   | 0,57 ± 0,03    | 0,47 ± 0,03*   |
| ЗЮЛП, ммоль/л   | ЦиклаMAT | 0,53 ± 0,02   | 0,56 ± 0,02    | 0,99 ± 0,07*   |
|   | Сахарин  | 0,68 ± 0,02   | 0,53 ± 0,02*   | 0,47 ± 0,02*   |
| АК  | ЦиклаMAT | 1,02 ± 0,09   | 1,86 ± 0,32*   | 0,69 ± 0,08*   |
|   | Сахарин  | 1,41 ± 0,09   | 1,62 ± 0,19    | 2,12 ± 0,22*   |
| <i>Минерал моддалар алмашинуви кўрсаткичлари</i>                  |          |               |                |                |
| Na <sup>+</sup> , ммоль/л   | ЦиклаMAT | 143,7 ± 1,0   | 151,3 ± 1,36*  | 133,9 ± 1,9*   |
|   | Сахарин  | 140,26 ± 1,57 | 132,12 ± 1,4*  | 118,10 ± 5,60* |
| K <sup>+</sup> , ммоль/л  | ЦиклаMAT | 5,08 ± 0,13   | 2,93 ± 0,21*   | 2,81 ± 0,15*   |
|   | Сахарин  | 5,34 ± 0,80   | 3,86 ± 0,15*   | 3,05 ± 0,10*   |
| Ca <sup>2+</sup> , ммоль/л  | ЦиклаMAT | 2,09 ± 0,01   | 0,86 ± 0,02*   | 0,79 ± 0,02*   |
|   | Сахарин  | 2,12 ± 0,04   | 1,82 ± 0,07*   | 1,46 ± 0,08*   |

Изоҳ: \* - P < 0,05 бошланғичга нисбатан;


Натрий циклаMATининг жигар ферментларига таъсири ўрганилганда фақат АЛТ фаоллигини 30- ва 60-кунларида бошланғичга нисбатан 54,3 ва 74,5 % га юқорилиги аниқланди.

АСТ фаоллиги бошланғич кўрсаткичдан статистик ишончли 8,0 % га фақат 30-куни кузатилди. Сахарин киритилганида АЛТ фаоллиги 30- ва 60-кунлари 73,8 ва 69,1 % га юқори бўлди. Бунда тажрибанинг 30-куни АСТ фаоллиги бошланғич кўрсаткичдан 33,9 % га ортиқ бўлиб, тажриба охирида у бошланғич кўрсаткичдан 42,3 %га ортиқ бўлди.

